
Фарғона вилоятида аҳолини ипотека кредитлари асосида уй-жой билан таъминлаш учун субсидия ажратилиши ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги Фармонида кўра, 2022 йилда вилоятимизда ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишнинг мақсадли кўрсаткичлари белгиланган.

Шу ўринда, 1541 нафар вилоятимиз фуқароларига квартира сотиб олиш учун ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 75,2 млрд. сўм, шунингдек, 500 нафар фуқароларга якка тартибдаги уй-жой қуриш (реконструкция қилиш) учун ажратилган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 8,4 млрд. сўм жами 2041 нафар фуқароларга 83,7 млрд. сўм субсидия ажратиши белгиланган.

2022 йилнинг ўтган даврида фуқаролар томонидан ипотека кредитлари орқали уй-жой сотиб олиш ҳамда якка тартибда уй-жой қуриш учун субсидия ажратилиши юзасидан 7169 та фуқаролардан аризалар келиб тушган. Хусусан, 1746 нафар фуқароларга (1680 нафари уй-жой сотиб олиш, 66 нафари якка тартибда уй-жой қуриш) ижобий хулоса берилган, 5423 нафар фуқароларнинг аризалари тегишли тартибда ҳудудий комиссиялар томонидан рад этилган.

Жорий йилнинг 5 оyi давомида 640 нафар фуқаролар субсидия асосида уй-жойларга эга бўлди. Мазкур фуқароларнинг дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун 20,5 млрд. сўм, шунингдек, кредит фоиз тўловларини бир қисмини қоплаш учун 893,0 млн. сўм субсидиялар маблағлари молиялаштирилди.

Уй-жой билан таъминлаш мақсадида ҳудудий комиссиялар томонидан ижобий хулоса олган вилоятимиз фуқароларига давлат томонидан субсидия маблағларини молиялаштириш ишлари олиб борилмоқда.

2022-06-09 17:22:38